



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 13 май, № 96 (9267)

Чоршанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



БРАЗИЛИЯ БИЛАН КЎП ҚИРРАЛИ ШЕРИКЛИК КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 май куни ташриф билан мамлакатимизга келган Бразилия Федератив Республикаси ташқи ишлар вазири Мауро Виейрани қабул қилди.



Учрашув аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Бразилия Президенти Луис Инасиу Лула да Силванинг салом ва энг эзгу тилақларини етказди.

Ўзбекистон — Бразилия муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

Олий даражада тизимли мулоқотни йўлга қўйиш, сиёсий ва парламентлараро алоқаларни фаоллаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзаро савдо ҳажмини ошириш, ишбилармонлик алоқаларини ривожлантириш, кимё, электротехника, фармацевтика ва саноатнинг бошқа тармоқларида қўшма лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Қишлоқ хўжалиги, селекция, туризм, спорт ва бошқа йўналишлардаги ҳамкорлик истиқболлари кун тартибидда бўлди.

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун Ҳукуматлараро комиссия тузиш тасдиқ этилди.

Томонлар халқаро даражадаги долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар, бўлажак тадбирлар режасини муҳокама қилдилар.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ — ЭНГ ТЎҒРИ ЙЎЛ

Президент Шавкат Мирзиёев давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида бюрократияни қисқартириш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот билан танишди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат хизматларини аҳоли ва тадбиркорлар учун қўлай, тезкор ва шаффоф қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Давлат хизматлари кўлами 10 баробар кўпайиб, 61 миллиондан ошди. Уларнинг 80 фоизи онлайн шаклда кўрсатилмоқда. 2025 йилнинг ўзида тадбиркорликка оид 2 мингдан ортиқ мажбурий талаблар бекор қилинди.

Шу билан бирга, соҳада ортиқча тартиб-таомиллар, қоғозбозлик ва тақорланувчи талаблар ҳали ҳам сақланиб қолмоқда. Бугунги кунда давлат органларида 5 650 та функция, бизнесни тартибга солувчи 42 мингдан зиёд мажбурий талаблар ва 1 041 та давлат хизмати мавжуд.

— Бундай кўп функция ва талаблар тизимини самарасиз, қimmat ва баъзан адолатсиз қилиб қўйиши мумкин. Шу боис фақат дерегуляция, рақамлаштириш ва соддалаштириш — энг тўғри йўл, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистонни 2030 йилга қадар “ортиқча бюрократиядан холи ҳудуд”га айлантириш мақсадида Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда “Бюрократияни бартафат этиш — 2030” дастури бошланган. Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги ҳузурида алоҳида лойиҳа офиси ташкил этилган.

Дастур доирасида давлат органлари функцияларини 30 фоиз қисқартириш, бизнесга қўйиладиган талабларни 20 фоизгача мақбуллаштириш, электрон давлат хизматлари улушини 90 фоиздан ошириш кўзда тутилган.

Тақдимотда давлат хизматларини “сервис давлат” модели асосида тубдан такомиллаштириш бўйича тақдирлар кўриб чиқилди. Бунда асосий эътибор бирорта ортиқча ҳужжат талаб қилмасдан тез, шаффоф ва қўлай давлат хизмати кўрсатишга қаратилади.



ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ ВА ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

Президент Шавкат Мирзиёев озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш ҳамда чорвачилик соҳасини кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда озиқ-овқат таъминотини барқарорлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини еттиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича кенг имкониятлар яратилган. Бугунги кунда 4 миллион гектар экин майдони, 1,5 миллион тонна сизимга эга сақлаш омборлари ва 3,5 миллион тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватлари аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, шунингдек, 4 миллиард долларлик маҳсулот экспорт қилиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон 2030 йилга қадар озиқ-овқат маҳсулотлари экспортини 10 миллиард долларга етказиш, экспорт географиясини яна 100 та

давлатга кенгайтиришни мақсад қилган. Йиғилишда ушбу марраларга эришиш учун озиқ-овқат хавфсизлиги тизими халқаро стандартларга тўлиқ мос бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Хозирга қадар озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ва назорати билан учта идора шугулланиб келмоқда. Оқибатда санитария, ветеринария ва карантин органлари ўртасида ягона маълумотлар базаси шаклланди, айрим вазифа ва функциялар бир-бирини тақдорлапти. Бу эса тадбиркорларнинг экспорт ва импорт жараёналарида ортиқча оворагарчиликка дуч келишига сабаб бўлаётди.



29-ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ САММИТИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли саммит иштирокчилари! Хонимлар ва жаноблар! Евроосиё иқтисодий саммитининг барча иштирокчиларини самимий кутлаш ва энг эзгу тилақларини йўллашдан бағоят мамнунман.

Утган ўн йиллар давомида Саммит етакчи сиёсатчилар, ишбилармон доиралар ва экспертлар ҳамжамияти вакилларини бирлаштирган муҳим мулоқот майдони сифатида ўзини намён этди.

Анжуманининг Истанбулда ўтказилиши алоҳида рамайи маънога эга. Асрлар давомида бу бетакорор шаҳар Европа ва Осиё ўртасида кўприк бўлиб, минтақалараро маданий ва савдо-иқтисодий алоқалар ривожига беқиёс ҳисса қўшиб келади.

Бугунги кунда замонавий Туркияда Президент Режеп Таййип Эрдоғанининг “Туркия асри” стратегик гоёси муваффақиятли амалга оширилаётганини алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истар эдим.

Туркияда глобал кун тартибидеги долзарб муаммоларни самарали ҳал этиш йўлида ўз саъй-ҳаракатларини тўлиқ сафарбар этиб, халқаро муносабатларнинг ишончли ва нуфузли ишти-

рокчиси сифатида таъсири ортиб бормоқда.

Президент Эрдоғанининг қатъий интилишлари тўғрисида бугун Ўзбекистон ва Туркия муносабатлари кенг кўламли стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг энг устувор йўналишлари Евроосиё иқтисодий саммитининг асосий мақсадлари — тенг ҳуқуқлилик, ишонч ва ўзаро ҳурматга асосланган кенг қамровли шериклик ва барқарор тараққиёт тамойилларига тўла мос келади.

Хурматли анжуман қатнашчилари! Бу галги Саммитнинг асосий мавзуларидан бири сифатида сув танқислиги ва “яшил” ресурслар шариоитида глобал масъулият масаласи бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Дунё тобора авж олаётган иқлим хавфхатарлари, хусусан, чўлланиш, тупроқ емирилиши, сув танқислиги ва экологик вазият ёмонлашуви га дуч келмоқда.

Марказий Осиёда ушбу жараёнлар айнакка кескин намён бўляпти: ҳарорат ошиш суръатлари кўрсаткичи жаҳон миқёсидаги ўртача меъёрлардан

юқори бўлиб, музликлар емирилмоқда, тупроқ деградацияси кучаймоқда.

Бундай шариоитда экологик барқарорлиқни таъминлаш Янги Ўзбекистонни тараққий эттиришнинг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. “Яшил макон” лойиҳаси доирасида ҳар йили 200 миллион туп дарахт экилмоқда, Орол денгизининг қуриган тубида эса улкан яшил ҳимоя майдонлари яратилмоқда.

Биз ривожланишнинг яшил моделига изчиллик билан ўтмоқдаимиз, бу жараёнда зарарли чиқиндилар ҳажминини 35 фоизга қисқартириб, 2035 йилга қадар уларни 50 фоизгача камайтиришни мақсад қилиб олганмиз.

Шу билан бирга, сув ресурсларини самарали бошқариш, жумладан, сув тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса ҳар йили катта миқдорда сув захираларини тежаш имконини беради.

Ўзбекистон бундан буюн ҳам “яшил” кун тартибидеги фаол илгари суриш ҳамда глобал экологик хавфларни самарали ҳал этиш йўллари ни топишга ҳисса қўлишни фаол давом эттиради. Шу муносабат билан сизларни

мамлакатимиздаги халқаро тадбирларда, хусусан, Самарқанда бўлиб ўтadиган Глобал экологик жамғарма Ассамблеясида ва Суви тежаш бўйича бутунжаҳон форумида иштирок этишга тақдир этаман.

Ишончим комил, биргаликда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларимиз халқаро иқлим ҳамкорлиги кун тартибига, жумладан, БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича бўлажак конференциясига тайёргарлик жараёнига амалий ҳисса қўшади.

Қадрли тадбир иштирокчилари! Ўзбекистон кенг кўламли ҳамкорлик учун доим очик ва келгусида ҳам барқарор ривожланишни таъминлашга қумаклашишга тайёр.

Биз бarcha саъй-ҳаракатларимизни бирлаштирган ҳолдагина бугунги ва келгуси авлодлар учун фаровон келажақни таъминлай оламиз. Саммит қатнашчилари фаолиятига омад ва катта амалий натижалар ёр бўлишини тилаймиз.

Эътиборингиз учун ташаккур. Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

Мулоқот

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ЛОЙИҲАЛАРИ АМАЛИЁТДА

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Бухоро давлат техника университетидеги фаолият юритаётган Хотин-қизлар, ёшлар учун IT ва муҳандислик инклюзив таълим марказининг фаолияти, унда яратилган замонавий шариоитлар ҳамда амалга оширилаётган инновацион лойиҳалар билан яқиндан танишди.

Инклюзив таълим, сунъий интеллект, стартап экотизими ва рақамли технологиялар йўналишидаги ишлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Марказда хотин-қизлар, ёшлар ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун яратилган замонавий IT инфраструктураси юқори баҳоланди. Айнакка, талабалар томонидан ишлаб чиқилган сунъий интеллектга асосланган дастурий ечимлар ва стартап лойиҳалар ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Талабалар томонидан 10 дан ортиқ инновацион платформалар, жумладан, “VoiceUP” овозли бошқарув тизими, “Рақамли мактаб” таълим платформаси, “Safar Line” туризм ечимлари ҳамда “LoadBoard” логистика платформаси тақдимоти ўтказилди.

Танишув жараёнида талабалар бандлигини мониторинг қилиш тизими, электрон кутубхона ҳамда талабалар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган рақамли мониторинг дастурлари ҳам намойиш этилди. Шунингдек, робототехника ва IT интеграцияси, “VR” ҳамда “3D” моделлаштириш, медиа ишлаб чиқариш ҳамда сунъий интеллект асосида хоржий тилларни ўқитиш йўналишидаги лабораториялар фаолияти билан ҳам яқиндан танишилди.

Сенат Раиси ёш инноваторлар ва стартап жамоалар билан очик мулоқот ўтказиб, уларнинг илм-фан ва инновацияларини ривожлантириш, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда амалиётга жорий этиш ҳақидаги тақдирларини тинглади.

«Халқ сўзи».

ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛАЁТГАН ИШЛАР

Президентимизнинг 29-Евроосиё иқтисодий саммити иштирокчиларига йўлланган мурожаати бугунги мураккаб глобал шариоитда Ўзбекистоннинг очик, конструктив ва узоқни кўзлаган ташқи сиёсати намёни сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

Муносабат

Мурожаатда Евроосиё маконидеги иқтисодий ҳамкорлик, ўзаро ишонч ва барқарор тараққиёт масалалари чуқур таҳлил қилинган. Президентимиз томонидан Ўзбекистон ҳамда Туркия муносабатлари кенг кўламли стратегик шериклик даражасига кўтарилгани таъкидлангани ҳам муҳим сиёсий сигналдир. Кейинги йилларда икки давлат ўртасидаги иқтисодий, инвестицион ва маданий ало-

қалар мутлақо янги босқичга кўтарилди. Бу эса минтақа барқарорлиги ва тараққиёти учун ҳам муҳим омил ҳисобланади. Менимча, мурожаатнинг энг долзарб қисми экологик хавфсизлик ва “яшил тараққиёт” масалаларига бағишланганидир. Бугун иқлим ўзгариши, сув ресурсларни танқислиги ва атроф-муҳит билан боғлиқ муаммолар жаҳон иқтисодиёти ҳамда хавфсизлигига жиддий таъсир кўрсатмоқда.



«Янги Ўзбекистон ёшлари — 2030» стратегияси:

НАВҚИРОН АВЛОД ОРЗУ-МАҚСАДЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРУВЧИ ДАСТУРИЛАМАЛ ҲУЖЖАТ

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ёшлар билан ишлаш оддий ижтимоий сиёсат йўналишидан стратегик тараққиёт моделига айланди. Улар учун таълим, китобхонлик, касб-хунар, спорт, маданият, бандлик, тадбиркорлик соҳаларида аниқ механизмга эга тизимли дастурлар ишламоқда.

Мушоҳада

Маҳалла институти орқали соҳада вертикал бошқарув тизими яратилгани, барча даражадаги давлат идоралари, раҳбарларнинг

ёшлар билан ишлашда масъулиятни оширилгани натижалар асосидир. Аҳолининг 9,5 миллион нафарини 14 — 30 ёшдаги йигит-қизлар ташкил этишини, ҳар йили 270 мингта ёш оила шаклланаёт-

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИДА ШАФФОФЛИК: ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ТАЖРИБАСИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Парламент фаолиятида шаффофлик, рақамлаштириш ва фуқароларнинг иштироки: Ўзбекистон ва Германия тажрибаси” мавзусида халқаро даражада суҳбат бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Германия парламенти аъзолари, Парламент тадқиқотлари институти, Конрад Аденауэр жамғармаси, Ёшлар парламенти вакиллари ҳамда журналистлар қатнашди.

Анжумани Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Раҳимжон Ҳакимов, Конрад Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий дастури раҳбари Андре Алгермиссен кириш сўзи билан очиб, ушбу тадбир нафақат парламент

фаолиятини модернизация қилишга бағишлангани, шу билан бирга, Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги стратегик шерикликнинг янги босқичини акс эттирувчи муҳим сиёсий мулоқот майдони сифатида ҳам долзарб эканини таъкидлади.



Ҳам ташаббус, ҳам тизим ишлайди

Бугунгача юртимизда ёшларнинг ўз имкониятини кўрсата олиши учун қўлай муҳит яратилди, десак, айни ҳақиқат. Шу сабаб эндиги ҳужжатда асосий эътибор янги ташаббуслар сонига эмас, мавжуд механизмларнинг қандай ишлашига қаратилган. Қанча лойиҳа борлиги эмас, улар бир-бирини қандай тўлдирishi муҳим бўлиб қоляпти.



ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ – ЭНГ ТЎҒРИ ЙЎЛ

Хусусан, 783 та давлат хизматида “ноль бюрократия” тамойилини жорий этиш таклиф қилинди. Бу орқали 550 турдаги давлат хизмати электрон шаклга ўтказилиб, хизмат кўрсатиш босқичлари 2 карра қисқаради. 80 турдаги хизмат проактив ва композит шаклга ўтказилади. Натихада аҳолининг турли идораларга келиш учун сарфланган йилгача 35 миллиард сўмгача транспорт харажати тежаллади.

Яна 80 турдаги хизматни кўрсатиш муддати 2-3 карра қисқартирилиб, ўртача муддат 13 кундан 6 кунга туширилади. 10 та хизмат тўлиқ автоматлаштирилди. 25 та хизмат бўйича тўловларнинг камайtirилиши натихада аҳоли ихтиёрида йилгача 851 миллиард сўмгача маблағ қолади.

Шунингдек, 10 та хизматни хусусий секторга ўтказиш, 15 та маълумот ва хужжатни рақамлаштириш белгиламоқда. Бу орқали 270 дан ортиқ хизматда ушбу маълумот ва хужжатларни қайта сўраш амалиёти бекор қилинади.

Мажбурий талабларни қайта кўриб чиқиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, бозорлар фаолиятига доир 20 га яқин хужжатларда 500 дан зиёд талаблар тарқоқ ҳолда юритилмоқда. Уларни тизимлаштириш орқали талабларнинг 30 фоиздан ортигини мақбуллаштириш мумкинлиги қайд этилди.

Санитария талабларига мувофиқлик далолатномаси ва кўриқдан ўтадиган ходимлар рўйхатини электрон тизим орқали шакллантириш имконияти ҳам кўрсатиб ўтилди. Бу орқали йилгача 1 миллиард сўм бюджет маблағини тежаш, ходимларнинг 24 минг иш соатини амалий фаолиятга йўналтириш мумкин бўлади.

Хисоб-китобларга кўра, маъмурий юкни қисқартириш иқтисодиётга йили-

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

Ўсимликлар карантини агентлигида 100 та, Ветеринария кўмитасида 115 та, санитария-эпидемиология тизимида 44 та вазифа ва функция мавжудлиги, шу билан бирга, маҳсулотни “етиштиришдан истеъмолчигача” кузатиб бориш тизими тўлиқ йўлга қўйилмагани кўрсатиб ўтилди.

Экспортда ҳам ҳал этилиши зарур бўлган масалалар бор. Хусусан, Европа Иттифоқи томонидан маҳсулотларимизда пестицид қолдиқлари мавжудлиги бўйича 25 та оғохлантириш белгилани қайд этилди. Бу халқаро бозорларда рақобатбардошликни ошириш учун маҳсулот хавфсизлигини назорат қилиш тизимини тубдан ўзгартиришни талаб қилади.

Амалда назорат идоралари фақатгина яқуний маҳсулотни текшириш билан чегараланган, ишлаб чиқариш занжирини озиқ-овқат маҳсулотни хавфсизлигини кафолатловчи халқаро стандартларни жорий қилишга етарлича эътибор қаратилмагани қайд этилди.

Шу муносабат билан озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги соҳасини чуқур ислоҳ қилиш ва халқаро талабларга мос ягона марказлашган тизим яратилиши белгиланди.

Унга мувофиқ, “даладан дастурхонгача” тамойили асосида барча назорат жараёнларини қамраб оладиган Озиқ-овқат маҳсулотни хавфсизлиги кўмитаси ташкил этилди. У Ўсимликлар карантини ва химияси агентлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси ва Санитария-эпидемиология оқшомидаги жамоат саломатлиги кўмитасининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўналиши негизидан шакллантирилди.

Янги тизимда эскирган, тadbиркор фаолиятига тўсиқ бўлаётган текширувлардан воз кечилди. Озиқ-овқат маҳсулотларини мажбурий сертификатлаш бекор қилиниб, унинг ўрнига хавфга асосланган назорат ва текширув тартиби жорий этилди.

Бугунги кунда республикадаги

80 мингта объектдан фақат 1,6 мингтасида, яъни 2 фоизда бундай тартиб қўлланилмоқда. Эндиликда хавфли маҳсулотлар тўғрисида тезкор хабар бериш ва уларни қайтариб олиш бўйича электрон тизим яратилади.

2029 йил 1 январдан бошлаб мева-сабзавот экспорти фақат агрологистика марказлари орқали амалга оширилади. Экспорт салоҳияти юқори йирик озиқ-овқат корхоналарини халқаро хатарлар тахлили стандарти ва Алимента-риус кодекси талабларига ўтказиш бўйича дастур ишлаб чиқилади. Ушбу кўрсаткич 2028 йилгача 20 фоиз, 2030 йилгача 60 фоиз, 2032 йилгача эса 100 фоизга етказилади.

Мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган 20 та туманда ички фитосанитария сертификатини расмийлаштиришга қўмақлашувчи жамоатчи инспекторлар фаолияти йўлга қўйилди. Бундан буён мева-сабзавот экспорти статистикаси маҳсулот қайси ҳудудда этиштирилган бўлса, ўша ҳудудда хисобга олинади.

2027 йилдан бошлаб лаборатория текшируви, ҳайвонларни эмлаш, дезинфекция ва идентификация қилиш каби 6 та давлат функцияси хусусий секторга берилади. Вилоят ҳокимларига йил якунигача ушбу хизматлар бўйича камида 2 тадан хусусий лаборатория ва ветеринария клиникасини ташкил этиш топширилди.

Ҳар бир маҳсулот бўйича онлайн кузатиш тизими йўлга қўйилади. Фермер ва деҳқонлар учун “Агро кўмакчи” мобил иловасида электрон “Дала дафтари” тизими жорий этилади. Мазкур тизим орқали сунъий интеллект зараркунданлар тарқалишини олдиндан баҳорат қилиб, деҳқонларга зарур tavsiyalar берилади.

Фаол ва ҳалол ишлаётган фермерлар рейтингини юритилади ва уларга қўшимча имтиёзлар берилади. 2027 йил 1 мартгача озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича ягона автоматлашган ахборот платформаси ишга туширилади. У чегарадаги “Ягона дарча”

тизими билан интеграция қилиниб, экспортчилик орқали бюрократик жараёнлардан озод этилади.

Янги тизим орқали импортда назорат дақиқ 9 кундан 2 кунга, экспортда эса 3 кундан 1 кунгача қисқартирилиши белгиланди. Бунинг хисобига тadbиркорларнинг маҳсулотни оморда сақлаш харажатлари 70 миллиард сўмга тежаллади.

Ийгилишда чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Тахлилларга кўра, кейинги 25 йилда дунё мамлакатларининг 42 фоизда қорамоллар сони 12 фоизга қисқарган. Бунинг асосий сабаблари қиммат озуқа, қурғоқчилик, экологик омиллар, юқори фойз ставкалари ва даромад камайиши билан боғлиқ. Натихада жаҳон бозорига гўштининг ўртача нархи рекорд даражага етган.

Ўзбекистонда чорвачиликни ривожлантириш учун катта имконият бор. Мамлакатимизда 16 миллион гектар яйлов мавжуд, бироқ бу салоҳиятнинг атиги 10 фоиздан фойдаланилмоқда. Шу боис Қишлоқ хўжалиги вазирилик ҳузурида Чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш агентлиги ташкил этилади. У Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси негизидан фаолият бошлайди.

Янги агентлик олдида қорамоллар сони 16,5 миллионга, қўй ва эчкилар сони 30 миллионга, паррандалар сони 141 миллионга етказиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, гўшт ва сутни қайта ишлаш даражасини 50 фоизга, наслдор қорамоллар улусини 90 фоизга етказиш, озуқабоп экан майдонларини эса 1,5 баробар кўпайтириш белгиланди.

Озуқа базасини кенгайтириш ва наслчиликни яхшилаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоятдан биттадан туман чорвачиликка ихтисослаштирилди.

Ушбу туманларда пахта ва галла ерларининг 50 фоизига озуқабоп экинлар экишга рухсат берилади, бунинг

учун 10 фоизли имтиёзли кредитлар ажратилади. Барча фермер хўжаликларига ижара ерларининг 20 сотих қисмида ортиқча бюрократиясиз энгил конструкцияли бинолар, озуқа оморборлари ва силос ўралари қуришга рухсат берилади.

Йил якунига қадар камида 10 гектар ери бор 28 минг 746 та фермер хўжалиги ерида 2 миллион бош қорамол боқилиши ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Чорвачиликни молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари ҳам белгиланди. 1 июндан бошлаб тижорат банклари йиллик 10 фоиз ставкада, 4 йил имтиёзли давр билан 10 йил муддатда кредитлар ажратади. Наслдор чорвани импорт қилувчилар 2029 йилгача қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади.

Банкларга йиллик 6 фоиз ставкада 1 триллион сўм ва 50 миллион доллар ресурс жойлаштирилади. Ушбу ресурслар ҳисобидан жорий йилда 5,5 триллион сўмлик 1,5 мингта лойиҳани ишга тушириш, 25 мингта иш ўрни яратиш ва қорамоллар сони 400 мингтага ошириш режалаштирилган.

Қадрлар тайёрлаш ва наслдор чорвани кўпайтириш бўйича ҳам янги дастур ишга туширилади. 1 июндан етакчи аграр олийгоҳларда сунъий урулантириш бўйича 10 кунлик ўқув курслари ташкил этилади. Ҳар йили камида 1 минг мутахассис тайёрланиб, улар зарур ускуналар билан бепул таъминланади.

Хонадонларда сунъий урулантирилган ҳар бир наслдор бузоқ учун 500 минг сўмдан ҳамда эмбрионлар кўчириб ўтказилганда 700 минг сўмдан субсидия тўланади. Бу мақсадлар учун қўшимча 50 миллиард сўм ажратилади.

Ийгилишда мутасаддиларнинг хисоб-китоблари, тadbиркор ва фермерларнинг тақлифлари тингланади. Янги тизимни жойларда самарали ташкил этиш, тadbиркорлар ва фермерларга амалий кўмак бериш, чорвачиликда озуқа базаси, наслчилик, қайта ишлаш ва экспорт имкониятларини кенгайтириш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Ў.ЗА.

ЎЗАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбасари Содиқ Сафоев Покистон Ислоҳ Республикаси Сенати Раисининг маслаҳатчиси Мисбах Қхар билан учрашув ўтказди.

Учрашув

Музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги парламентларо муносабатлар изчил ривожланиб бораётгани, қонун чиқарувчи органлар ўртасидаги мулоқот ҳамда амалий ҳамкорлик икки томонлама стратегик шериклини мустаҳкамлашнинг муҳим омили экани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда олий даражада эришилган келишувларни парламент дипломатияси воситалари орқали ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги институционал ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Хусусан, шериклик бўйича парламентларо гуруҳлар фаолиятини фаоллаштириш, тегишли кўми-

талар ўртасида мунтазам мулоқотни йўлга қўйиш, қонун ижодкорлиги ва парламент назорати соҳасида тажриба алмашиш, шунингдек, халқаро парламент тузилмалари доирасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга эътибор қаратилди.

Парламент дипломатиясининг замонавий механизмларини кенг жорий этиш, ёшлар ва хотин-қизларнинг парламент фаолиятидаги иштирокчини қўллаб-қувватлаш ҳамда гуманитар алоқаларни юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, Олий Мажлис

Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси Қутбиддин Бурҳонов ҳам Мисбах Қхар билан учрашди.

Учрашувда парламентларо алоқаларни фаоллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 2025 йил 25 ноябрь куни Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги ҳамкорлик бўйича парламентларо гуруҳларнинг биринчи онлайн мажлиси ўтказилгани қайд этилди ҳамда мазкур гуруҳларнинг навбатдаги йиғилишини ўтказиш юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, маданий-гуманитар,

иқтисодий, мудофаа ва хавфсизлик соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Айнисса, илм-фан, таълим, тўқимачилик, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва логистика йўналишларидаги алоқаларни парламент даражасида қўллаб-қувватлаш зарурлиги айтилди.

Мулоқот давомида Бухоро шаҳрида ўтказилган Осие хотин-қизлари II форумига тайёргарлик масалалари ҳам кўриб чиқилди. Tadbир аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва фаолигини оширишга хизмат қиладиган муҳим мулоқот майдони экани таъкидланди.

Учрашув якунида томонлар Ўзбекистон ва Покистон парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга тайёр эканини билдирди.

«Халқ сўзи».

ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛАЁТГАН ИШЛАР

Шу нуктаи назардан, Янги

Ўзбекистонда амалга оширилаётган “Яшил макон” умумийлиги лойиҳаси, Оролбўйини яшил ҳудудга айлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш ва сув тежовчи технологияларни жорий қилишга қаратилган ишлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Президентимиз томонидан Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро экологик тadbирларга дунё ҳамжамияти тақлиф қилинган ҳам Ўзбекистоннинг глобал экологик мулоқотда фаол қатнашаётганини кўрсатади.

Энг муҳими, ушбу мурожаатда бир муҳим го янгради: бугунги глобал қарқирларга қарши фақат биргаликда ҳаракат қилиш орқали нуқсонли жавоб бериш мумкин. Ўзбекистон айнан шу ҳамкорлик ва очиқ мулоқот тамойилларини илгари сурмоқда. Ишончимиз комилки, мазкур саммит янги иқтисодий ташаббуслар, инвестицион ҳамкорлик ва барқарор тараққиёт бўйича муҳим қарорлар қабул қилинишига замин яратади.

Содиқжон ТУРДИЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Эзгулик

ФАҲРИЙЛАР ВА НУРОНИЙЛАРГА ЮКСАК ЭЪТИРОМ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси Одилжон Маматқаримов Наманган вилоятига хизмат сафари давомида Янгиқўрғон тумани, Порамон қишлоғида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 104 ёшли Муҳаммадиброҳим ота Иномов хонадонига бўлди. Фахрийлар давлатимиз раҳбари ва халқимизнинг эзгу тилаклари етказилди ҳамда уруш ва меҳнат фронтидаги фидокорона хизматлари учун миннатдорлик билдирилиб, байрам совғалари топширилди.

Самимий суҳбат давомида Муҳаммадиброҳим ота бугунги тинч-осойишта кунлар учун шукрона билдириб, ёшларни юрт равнақи йўлида сидқидилдан хизмат қилишга чақирди. Фахрийнинг машаққатли ҳаёт йўли, матонат ва ҳасорати бугунги авлодга чинакам ибрат экани алоҳида таъкидланди.

Бундан ташқари, сенатор Уйчи туманининг Шифокор маҳалласида ҳам бўлиб, нурунийлар ва кекса авлод вакиллари ҳолидан ҳамда олди. Учрашув давомида уларнинг саломатлиги ҳамда яаш шaroитлари билан ақиндан танишилди. Кўп йиллик меҳнати ва жамият тараққиётига қўшган ҳиссаси эътироф этилди. Кексаларга байрам табриги ва эзгу тилақлар билдирилди.

Таъкидланганидек, юртимизда нурунийларни эъзозлаш, уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат кўрсатиш, уларнинг дуосини олиш ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишидандан бири ҳисобланади. Хотира ва Қадрлаш куни доирасида ўтказилган бундай тadbирлар халқимизнинг тарихий хотирага юксак эътиром, инсон қадри ҳамда меҳр-оқибат тамойилларининг амалий ифодасидир.

«Халқ сўзи».

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ИЛГАРИ СУРИШДА МУҲИМ МАЙДОН

Бугун Бухоро шаҳрида Осие хотин-қизлари II форуми ҳамда унинг доирасида Марказий Осие мамлакатлари ва Озарбайжон етакчи аёллари мулоқотининг навбатдаги мажлиси ўз ишини бошлайди.

Фикр

Нуфузли халқаро тadbирда 40 дан ортиқ хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, жумладан, Шарқий Осие, Жануби-Шарқий Осие, Жанубий Осие ва Марказий Осие мамлакатлари парламентларининг аёл аъзолари, ҳукумат аъзолари, шунингдек, 50 дан ортиқ хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналари вакиллари иштирок этади.


Биз “БМТ-аёллар” тузилмаси Марказий Осие бўйича мувофиқлаштирувчи офиси раҳбари Жерен Гювен Гюрэс хонимнинг форум ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.

— Ушбу ҳафта қадимий Бухоро Марказий Осие, Озарбайжон ва Осие мамлакатларида хотин-қизлар етакчилиги ҳамда гендер тенгликни ривожлантириш

борасида юксалиб бораётган саъй-ҳаракатларни акс эттирувчи икки муҳим минтақавий тadbирга мезбонлик қилмоқда, — дейди Жерен Гювен Гюрэс. — “БМТ-аёллар” ташкилоти ушбу жараённинг бир қисми эканидан faxрланамиз.

Осие хотин-қизлари форуми мен учун қадри. Ушбу форум 2024 йил май ойида Самарқанд шаҳрида “БМТ-аёллар” ва Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати ҳамкорлигида бошланган ишларнинг давомидир.

Унинг доирасида ташкилотимиз Ўзбекистон Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан гендерга йўналтирилган бюджетлаштириш ривожлантириш бўйича расмий ҳамкорлик битимини имзолади. Бу давлат маблағлари аёллар ва қизларнинг



ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ ЭЪТИБОРДА

Олий Мажлис Сенати аъзолари томонидан фуқаролар мурожаатларини ўрганиш, ҳудудларда мавжуд муаммоларга ечим топиш мақсадида жойларга чиқиш ишлаш амалиёти изчил давом эттирилмоқда.

Ўрганиш

Келиб тушаётган мурожаатларнинг бир қисми жойида ҳал этилаётган бўлса, қўшимча ўрганилиши зарур бўлган масалалар юқори палата назоратига олиниб, уларни ҳал этишга тегишли давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари жалб қилинмоқда.

Шу муносабат билан, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси Анвар Тўйчиев Тошкент шаҳри, Юнусобод туманидаги “Тикланиш” МФЙ ҳудудида жойлашган чикиндиларни вақтинча сақ-

лаш ва қайта юклаш шохобчасида бўлиб, аҳоли мурожаатида кўтарилган масалаларни жойида ўрганди.

Фуқаролар томонидан билдирилган мурожаатда махсус транспорт воситалари орқали чикиндиларни ташини, тушириш ва қайта юклаш жараёнида тарқалаётган бадбўйи яқин ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли норозилигига сабаб бўлаётгани қайд этилган.

Айнисса, ёзи иссиқ мавсумда мазкур ҳолат янада оғирлашиб, чикиндиларни ташуви махсус юк автомобилларидан оқиб тушаётган суюқликлар маҳалла кўчалари ҳамда ҳудудда санитар-экологик ҳолат-

ҳақиқий эҳтиёжларини инobatга олган ҳолда тақсимлашини таъминлашга хизмат қилади. Орадан бир йил ўтиб “БМТ-аёллар” Ўзбекистонда ўзининг алоҳида офисини очди ва шу орқали алоқаларни янада мустаҳкамлади.

Бу йилги Бухоро форуми 18 мамлакат вакилларини бирлаштириб, хотин-қизларнинг сиёсий етакчилиги, иқтисодий имкониятлари, рақамли хавфсизлиги, шунингдек, илм-фан ва сунъий интеллектдаги ўрнини ривожлантириш масалаларини илгари сурди.

Биринчи кун якунида иштирокчи давлатлар Бухоро декларациясини қабул қилади. Ушбу декларация ҳар бир мамлакат ўз ортига олиб қайтадиган ва миллий даражада амалга оширадиган умумий мажбуриятлар тўпламидир. Форумнинг Ўзбекистондаги БМТ тизимининг тўлиқ кўмағида ташкил этилаётгани ҳам алоҳида ахамиятга эга. Бу жараённинг ҳақиқий институционаллашуви ва умумий эгаллик ҳиссини намoён этади.

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ ЭЪТИБОРДА

нинг ёмонлашуви олиб келаётгани таъкидланган.

Ўрганиш давомида мурожаатда айтилган масалалар маҳаллий аҳолининг ҳаёти сифати ва экологик хавфсизлиги билан боғлиқ муҳим муаммолардан бири сифатида кўриб чиқилиб, уларни ҳал қилиш бўйича тегишли чора-тadbирлар кўриш зарурлиги таъкидланди.

Сенатор томонидан аҳолини ташвишга солаётган санитар-экологик муаммоларни бартараф этиш, чикиндиларни ташини ва қайта юклаш жараёнларини тартибга солиш, санитария ва экологик талабларга риоя этилишини таъминлаш, аҳоли саломатлигига салбий таъсирларини камайтириш ҳамда ҳудудда ободонлаштириш ишларини қучайтириш бўйича масъулла-рига тегишли tavsiyalar берилди.

«Халқ сўзи».

Пойтахтимизда “Коррупцияга қарши бошқарувнинг янги архитектураси: самарали превентив чоралар сари” шиори остида юқори даражадаги нуфузли халқаро тadbир — VI Тошкент асилкоррупция форуми ўтказилмоқда.

ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИДА ШАФФОФЛИК: ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ТАЖРИБАСИ

Сўнгги йилларда икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар сезиларли даражада фаоллашган, сиёсий мулоқот, иқтисодий ҳамкорлик, "яшил" технологиялар, таълим, профессионал тайёргарлик ва парламентлараро алоқалар изчил ривожланиб бораётгани айтилди. Ўз навбатида, Германия Европа Иттифоқи доирасида Ўзбекистонда Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни қўллаб-қувватлаб келаётган ишончли ҳамкор мамлакатлардан бири экани алоҳида ўзгаришларни кўрсатди.

Тадбирда Ўзбекистон ва Германия парламентлари аъзолари парламент фаолиятини рақамлаштириш, қонун ижодкорлигида фуқаролар иштирокини кенгайтириш ҳамда парламент дипломатиясини ривожлантириш бўйича ўзаро фикр алмашди.

Таъкидланганидек, сўнгги 9 йилда Ўзбекистон юксалишининг янги даврида яшамокда. Мамлакатимиз парламент фаолияти янги ҳаётга кўнрақ касб этмокда. "Халқ — қонунларнинг ягона манбаи ва муаллифи" деган тамойил миллий парламент фаолиятининг бош мезонига айланди. Шаффофлик, очиқлик ва

рақамлаштириш бугунги ислохотларнинг устувор йўналиши этиб белгиланди.

Давра суҳбатида рақамли трансформация, сунъий интеллект технологиялари ва замонавий ахборот платформаларини парламент фаолиятига кенг жорий қилиш орқали қонунчилик жараёнининг самарадорлиги, очиқлиги ва тезкорлигини таъминлашга оид қатор маърузалар тингланди. Шунингдек, бу бўйича амалий тақлифлар илгари сурилди.

Қонунчилик палатаси Кенгашининг яқинда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг муҳим аҳамияти таъкидланди. Бу парламент таҳлили, ҳуқуқий экспертиза ва қарор қабул қилиш жараёнларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга ҳисса қўлиши айтилди.

Тадбирда иштирокчилар Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, тажриба алмашинуви давом эттириш ҳамда парламент дипломатиясини мустақамлаш бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди.

ХАЛҚЧИЛ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг навбатдаги йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари атрофида муҳокама қилинди.

Фракциялар ҳаёти

Марказий банк фаолиятининг ҳуқуқий асослари янада мустақамланмоқда

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб Президентимиз ҳузурида ишлаб чиқариш қорхоналари фаолиятини барқарорлаштириш ҳамда тадбиркорларни ўйлантириётган муаммоларни масалаларни ҳал этиш юзасидан ўтказилган тақдимотда илгари сурилган ташаббуслар ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар қорхона пешлавларини реклама сифатида баҳоламоқлик, улар учун ортқича руҳсат ва тўловларни бекор қилиш, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги тартиб-таомилларни соддалаштиришга қаратилган тақлифлар тадбиркорлар учун энгилликлар яратишини қайд этди.

Йиғилишда Марказий банк фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг мустақиллиги ва банк тизими барқарорлигини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Марказий банкнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини мажбурий қилиш ҳамда кредит ташкилотлари учун пруденциал нормативларни, корпоратив бошқаруви, таваккалчиликларни бошқариш тизимида доир ва бошқа талабларни белгилловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини соддалаштириш тақлиф этилмоқда.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, лойиҳадаги айрим нормалар бўйича қонун ташаббусларига аниқлаштирувчи саволлар берди. Хусусан, депутат Д. Артиқов лойиҳа билан Марказий банк юридик хизмати ижобий хулосаси асосида қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўн кун ичида соддалаштирилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш белгиланмаётгани, лекин бундай қисқа муддатидан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий табиғати қай даражада мос келишини сўради. Шунингдек, давлат рўйхатидан ўтказиш муддатининг кескин қисқартирилиши ҳуқуқий экспертиза сифатида салбий таъсир кўрсатмайдими, деган саволни ўртага ташлади.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Давлат фуқаролик ҳизматчилари учун янги имкониятлар

"Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йиғилишида "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига давлат фуқаролик хизматчиси-

нинг касбий малакасини ошириш кафолатларини белгилашга қаратилган қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Қонун ташаббускорлари мазкур ҳужжатнинг зарурати ҳақида тўхталиб, сўнгги йилларда давлат фуқаролик хизмати тизимининг ҳуқуқий, ташкилий ва услубий асосларини белгилаш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг мазкур хизматга қизиқишини кучайтириш, рақобатли меҳнат бозорига жозибадорликни оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Амалдаги қонунчиликда давлат фуқаролик хизматчиси хорижий таъ-

лим муассасаларида ўқиш учун грант ютган тақдирда, унинг иш жойи ва лавозимини сақлаш бўйича ҳуқуқий кафолатлар мавжуд эмас. Ушбу қонун лойиҳаси билан давлат хизматчиси нуфузли хорижий таълим муассасасига магистратура ёки докторантурага ўқиш бўйича грант ютганда, иш бевурачнинг ёзма розилиги асосида унинг иш ўрни (лавозими) сақланиши тақлиф этилмоқда.

Ҳужжатда давлат фуқаролик хизматчининг хорижда ўқиш даври унинг меҳнат стажига қўшиб ҳисобланиши, кўп йиллик хизмати учун ҳар ойлик устама белгиланишида инobat олиниши ҳам назарда тутилган.

Мунозаралар давомида фракция аъзоси Вазир Файзуллаев қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, бу ўзгаришлар давлат фуқаролик хизматчиларини янада қўллаб-қувватлаш, уларга кенг имкониятлар яратиш билан бирга, давлат органлари ва ташкилотларида профессионал ҳамда салоҳиятли кадрлар қатламини шакллантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.



1974-моддасига Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) киритган талабномаларни мансабдор шахслар томонидан кўриб чиқмасдан қолдирганилик ёки уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузганлик ёхуд улар юзасидан бида туриб қасддан ишончсиз маълумотларни тақдим этганилик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган қонун лойиҳаси билан муҳокама қилинди.

— Қонун лойиҳасини фракцияимиз йиғилишида обдан муҳокама қилдик, — дейди фракция аъзоси Тоҳир Полвонов. — Мазкур ҳужжат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмида муносабатларни янада кучайтиришга, Болалар омбудсмени фаолияти самарадорлигини оширишга ҳамда мазкур институтнинг ҳуқуқий мақомини мустақамлашга хизмат қилади, — дейди фракция аъзоси Навруз Юсуфов.

Аниқ ва конструктив тақлифлар берилди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида "Ҳарбий хизматчилар мақоми ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳаси ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари, имтиёзлари, кафолатлари ҳамда уларнинг мажбуриятлари билан боғлиқ муносабатларни комплекс тартибга солишга қаратилган. Хусусан, қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари таркибига кирувчи вазир-

лик ва идоралар ҳарбий хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, жавобгарлиги, шунингдек улар ва оила аъзоларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишининг аниқ механизми белгиланган берилмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасида ҳарбий хизматчиларини моддий таъминлаш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, уй-жой билан таъминлаш, мажбурий давлат сурғуртаси, пенсия таъминоти, хизмат вазифининг бажариш чоғида жароҳат олган ёки ҳалок бўлган тақдирда компенсация тўловларини амалга ошириш каби муҳим кафолатлар қонун даражасида мустақамлашганини алоҳида эътироф этди.

Қонун ташаббускорларининг маълум қилишича, муқобил хизмат алоҳида ҳуқуқий тартибга эга бўлиб, у амалдаги қонунчиликда мустақил равишда тартибга солинган. Шу боис мазкур тоифа бу қонун лойиҳаси доирасига киритилмаган.

Депутатлар "Сафарбарлик тайёргарлиги ва сафарбарлик тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқди.

Фракция аъзоси Жамол Ачилов қонун лойиҳасининг аҳамияти юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, ушбу ҳужжат сафарбарлик соҳасидаги муносабатларни янада ва мукамал ҳуқуқий асосда тартибга солишга хизмат қилишини таъкидлади.

Йиғилишда қонун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Болалар омбудсмани фаолияти самарадорлиги оширилмоқда

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида бир гуруҳ депутатлар ташаббуси билан киритилган — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар омбудсмани) фаолиятини янада самарали ташкил этишга қаратилган қонун лойиҳаси обдан муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар болага қарши жиноятлар тўғрисида маълумотлар олган тақдирда жиноят ишлари қўзғатиш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилганда, бу ҳақда Болалар омбудсманини хабардор қилиши назарда тутилган.

— Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишининг ҳуқуқий механизми янада кучайтиришга, Болалар омбудсмани фаолияти самарадорлигини оширишга ҳамда мазкур институтнинг ҳуқуқий мақомини мустақамлашга хизмат қилади, — дейди фракция аъзоси Навруз Юсуфов.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

"Халқ сўзи".

Сўз — иштирокчиларга

Шухрат ЁҚУБОВ, Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси аъзоси:

— Бугунги глобаллашган таълим даврида парламентнинг ўрни ва масъулияти тобора ортиб бормоқда. Давра суҳбатида германиялик ҳамкасбларимиз билан бирга қонун ижодкорлиги, рақамлаштириш жараёни, "Электрон парламент" тизими бўйича қизгин фикр алмашдик. Қонунчилик палатаси фаолияти, онлайн трансляциялар, электрон ҳужжат айланиши ва рақамли таҳлил механизми янги парламентимиз фаолиятини аниқ босқичга олиб чиқарганини аниқ рақамлар орқали кўрсатдик.

Айниқса, "Менинг фикрим" платформаси ва жамоатчилик муҳокамалари орқали аҳолининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштироки тобора кенгайиб бораётгани ҳақидаги таҳлилларимиз иштирокчиларда қизиқиш уйғотди. Айтиш мумкинки, Германия Бундестагининг рақамли парламент, киберхавфсизлик ва технология бошқаруш соҳасидаги тажрибаси биз учун ҳам муҳим бўлиб, бу борада тажрибаларимиз билан ўртоқлашдик. Албатта, бу парламентлараро ҳамкорликни янада мустақамлашга хизмат қилади.

Йоханнес ФОЛБМАНН, Германия Бундестаги депутати:

— Ўзбекистонга биринчи мартаба ташриф буюриб, парламент анжуманида қатнашаётганимдан мамунман. Қатор долзарб масалаларда фикрлашдик. Қайди этиш жоиз, парламент фаолиятида рақамли ёндашув жуда муҳим. Рақамлаштириш орқали қарор қабул қилиш жараёни тезлашади, шаффофлик ошади ва фуқаролар билан тўғридан-тўғри алоқа

кучаяди. Бу замонавий демократик институтнинг асосий талабидир. Депутат учун энг муҳим афзаллик эса маълумотга тезкор кириш имконияти. Ўзбекистонда парламент фаолиятига замонавий ёндашувлар татбиқ этилаётгани, албатта, эътиборга молик. Очиқ мунозаралар, сайловчилар билан мулоқотлар кейинги фаолият йўналишларини белгила олишда, долзарб қонун лойиҳаларини қабул қилишда муҳим ўрин тутди.

Тадбир доирасида парламентлараро мулоқот ва ўзаро тажриба алмашинуви бўйича мулоҳазаларимизни билдирдик. Парламентлараро ҳамкорлигимиз мамлакатлар ўртасидаги ишонч ҳамда ўзаро англашувни мустақамлашга хизмат қилади.

Валишер ДАВЛЯТОВ, Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институти директорининг ўринбосари:

— Мазкур тадбир тажриба алмашиш майдони бўлди, дейиш мумкин. Парламент трансформацияси, сунъий интеллект каби муҳим йўналишларда мулоқот қилдик. Таъкидлаш керак, бугун сунъий интеллект технологиялари парламент фаолиятида қонун лойиҳаларини таҳлил этиш, ҳуқуқий таҳлилларни аниқлаш, коррупциявий хавфларни баҳолаш, қонунларнинг ижтимоий таъсирини прогноз қилиш, мунозараларни интеллектуал саралаш, ижтимоий кайфият ва муносабатларни таҳлил этиш орқали жамоатчилик фикрини ўрганиш имконини бераётди. Энди парламент фақат ҳужжатларни эмас, балки жамиятнинг реал эҳтиёжлари, кайфияти ва муаммоларини ҳам таҳлил қилаяпти. Умуман айтганда, парламентда рақамлашув, шаффофлик, очиқлик каби масалаларда ўзаро тажриба алмашинуви икки мамлакат парламентарийлари учун фойдали бўлди.

— Мазкур тадбир тажриба алмашиш майдони бўлди, дейиш мумкин. Парламент трансформацияси, сунъий интеллект каби муҳим йўналишларда мулоқот қилдик. Таъкидлаш керак, бугун сунъий интеллект технологиялари парламент фаолиятида қонун лойиҳаларини таҳлил этиш, ҳуқуқий таҳлилларни аниқлаш, коррупциявий хавфларни баҳолаш, қонунларнинг ижтимоий таъсирини прогноз қилиш, мунозараларни интеллектуал саралаш, ижтимоий кайфият ва муносабатларни таҳлил этиш орқали жамоатчилик фикрини ўрганиш имконини бераётди. Энди парламент фақат ҳужжатларни эмас, балки жамиятнинг реал эҳтиёжлари, кайфияти ва муаммоларини ҳам таҳлил қилаяпти. Умуман айтганда, парламентда рақамлашув, шаффофлик, очиқлик каби масалаларда ўзаро тажриба алмашинуви икки мамлакат парламентарийлари учун фойдали бўлди.

"Халқ сўзи".

Диен КЕЙТА:

ЎЗБЕКИСТОН ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА СЕЗИЛАРЛИ ЮТУҚЛАРГА ЭРИШДИ

Бухорода бўлиб ўтадиган Осийё хотин-қизлари II форумида иштирок этиш учун Ўзбекистонга ташриф буюрган БМТ Бош котиби ўринбосари, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) ижрочи директори Диен Кейта "Дунё" ахборот агентлиги муҳбири саволларига жавоб берди.

Дунё нигоҳи

— Ўзбекистонда гендер тенглик ва хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада эришилган натижаларни қандай баҳолайсиз?

— Ўзбекистон гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш тизимини мустақамлашда сезиларли ютуқларга эришди. Бу масалаларга бугунги кунда нафақат ижтимоий муаммо, балки барқарор ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳимоя ва миллий тараққиётнинг асосий элементи сифатида қаралиши, айниқса, долзарб.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги раҳбарлигида ижтимоий, ҳуқуқий, психологик, тиббий ва ҳимоя хизматларини бirlаштирган, мувофиқлаштирилган ҳамда жабрланувчилар манфаатларига йўналтирилган тизим шакллантирилмоқда.

UNFPA мамлакатда қайта йўналтириш механизмининг такомиллаштириш, жавоб беришининг стандарт тартиб-қоидаларини жорий этиш, идоралараро ҳамкорликни кучайтириш ҳамда олдинги сафда ишлаётган мутахассисларнинг малакасини ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди



ва юқори баҳолайди. Инклюзивликка эътибор ортиб бораётгани, хусусан, ноғиронлиги бўлган аёллар ҳамда қизларнинг ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш хизматларидан тўсиқсиз фойдаланишини таъминлаш йўналишидаги ишлар ҳам олқишланади.

Яна бир муҳим йўналиш — профилактика. Ўзбекистонда зўравонликка барҳам бериш учун зарурий ижтимоий метёдрлар ва стереотипларни ўзгариш заруриги тобора кенгрок англаб этилмоқда.

Биргаликдаги ишлар доирасида маҳаллалар, ёшлар, эркаклар ва ўғил болалар, диний етакчилар, парламент аъзолари ҳамда фуқаролик жамияти институтларини жалб этиш янада кучайтирилмоқда. Бу жуда муҳим, чунки аёлларга нисбатан зўравонлик фақат индивидуал хатти-ҳаракатлар билан эмас, балки ҳокимиятнинг нотенг муносабатлари ва камситувчи ижтимоий қарашлар билан ҳам боғлиқ бўлиб, уларни биргаликда бартараф этиш зарур.

— Бухорода Осийё хотин-қизла-

ри II форумида иштирок этасиз. Уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини илгари суришда ушбу форумнинг аҳамиятини қандай баҳолайсиз ва бу борада қанақа амалий натижаларга эришиш мумкин?

— Бухорода ўтказилаётган Осийё хотин-қизларининг иккинчи форуми шунчаки минтақавий тадбир эмас. Бу келажакдаги аёллар етакчилигини шакллантириш, Осийё ва ундан ташқарида аёлларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш учун муҳим халқаро майдондир.

Тадбир аста-секин аёллар ҳуқуқлари ва инклюзив ривожланиш масалалари бўйича доимий ҳамкорлик платформасига айланиб бораётгани бу соҳадаги тараққиётни жадаллаштириш учун тажриба ва ғоялар алмашиш муҳимлигини кўрсатади.

Форум ғоят муҳим даврга ўтмоқда. Бугунги кунда Осийё мамлакатлари кенг кўламли демографик, иқтисодий, технологик ва ижтимоий ўзгаришларга дуч келмоқда. Бундай шароитда аёллар ва қизларга сармоя киритиш — ривожланиш, жамиятлар барқарорлиги ва тинчликка энг самарали сармоялардан биридир.

Мен форумни мулоқот аниқ ҳаракатларга айлана оладиган макон деб биламан. У сиёсий етакчилар, парламент аъзолари, экспертлар, халқаро ҳамкорлар, фуқаролик жамияти вакиллари, ёшлар ва етакчи аёлларни билим ҳамда тажриба алмашиш, ҳамкорликни шакллантириш ва амалий мажбуриятларини илгари суриш учун бirlаштиради.

UNFPA учун ушбу тадбир алоҳида аҳамиятга эга. Чунки биз демографик жараёнлар, соғлиқни сақлаш ва гендер

тенглик ўртасидаги ўзаро боғлиқлик масалаларида глобал тажрибага эгамиз. Биз мамлакатларга маълумотларга асосланган сиёсатни ишлаб чиқишда ва аёллар ҳамда ёшларнинг имкониятларини кенгайтирувчи тизимларни мустақамлашда ёрдам берамиз. Форумда ушбу устувор йўналишларни одамлар ҳаётини яхшилайдиган амалий ечимларга айлантириш бўйича муҳокамаларда иштирок этмоқдамиз.

Хотин-қизларга сармоя киритиш ҳар қандай давлат қилиши мумкин бўлган энг оқилона иш. Аёллар ҳуқуқлари ва танлоғи ривожланиш сиёсатининг марказий элементига айланса, жамиятлар янада барқарор ҳамда фаровон бўлади.

Шунингдек, мен форумнинг янги долзарб масалаларга эътибор қаратаётганини олқишлайман. Жумладан, аёлларнинг инновациялар, технологиялар ва сунъий интеллект соҳасидаги иштироки, шу билан бирга, рақамли технологиялар орқали аёллар ва қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатларининг ортиб бораётгани муҳим мавзу сифатида кўтарилмоқда. Жамиятларимиз тобора рақамлашиб бораётган бир пайтда аёллар ва қизларнинг интернетдаги ҳуқуқлари ҳамда хавфсизлигини таъминлаш устувор вазифалардан бири бўлиши керак.

Умид қиламанки, тадбирнинг амалий натижалари минтақавий шерикликни мустақамлаш, янги сиёсий мажбуриятларни қабул қилиш, аёллар ва қизларга инвестицияларни кўпайтириш, аниқ қўшма ташаббусларни ишга туширишдан иборат бўлади.

Форум янқуларни бўйича қабул қили-

надиган Бухоро декларацияси гендер тенглик фақат тор соҳавий масала эмас, балки миллий тараққиёт, инсон капиталли ва жамият барқарорлигининг муҳим стратегик омили эканини аққол кўрсатади.

UNFPA Ўзбекистон ҳукумати ва ҳамкорлари билан биргаликда ушбу муҳим форумнинг ҳаммуаллифи эканидан фخرланади ҳамда мамлакатнинг бундай улкан ва келажакка йўналтирилган минтақавий ва халқаро мулоқотни яратиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди.

— Ўзбекистонга ташрифингиз UNFPA билан ҳамкорлик фаол ривожланиб бораётган шароитда тўғри келмоқда. Ушбу ташрифдан қандай натижалар кутясииз ва келажакда ҳамкорликнинг яна қанақа йўналишларини ривожлантириш мумкин?

— Мамлакатингизга ташрифим Ўзбекистон ва UNFPA ўртасидаги ҳамкорлик нафақат кўлами, балки стратегик мақсадлар даражасида ҳам жадал ривожланиётган муҳим бир даврга тўғри келмоқда. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлайман ва ҳамкорлигимизни янада мустақамлашга ҳаракат қиламан.

UNFPA Ўзбекистонда 1993 йилдан буюн фаолият юритиб келмоқда ва бу йил ўзининг олтинчи мамлакат дастурини ишга туширди. Ушбу дастур юқори мақсадлари, инсон капиталига йўналтирилган инвестициялари ва мамлакатнинг миллий устувор йўналишлари билан тўлиқ уйғунлиги билан ажралиб туради.

Асосий мақсадим — Ўзбекистондаги ислохотлар одамлар, айниқса, аёллар, ёшлар, оилалар ва маҳаллий ҳамжамиятлар ҳаётини қандай яхшилаётганини бевосита кузатиш. Шу билан бирга, келгуси йилларда UNFPA мамлакат устувор йўналишларини қандай самарали қўллаб-қувватлаши мумкинлигини яхшироқ англаш учун давлат идоралари, парламент аъзолари, фуқаролик жамияти вакиллари, ёшлар ҳамда халқаро ҳамкорлар билан учрашишни интизорлик билан кутаман.

Ўзбекистон ҳозир тараққиётнинг муҳим босқичига кирмоқда. Мамлакат инсон капиталига сармоя киритмоқда, ижтимоий ҳимоя тизимини мустақамлашмоқда, аёллар имкониятларини кенгайтирмоқда, соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилмоқда, тарихий аҳолини рўйхатга олиш жараёнини

«Янги Ўзбекистон ёшлари — 2030» стратегияси:

НАВҚИРОН АВЛОД ОРЗУ-МАҚСАДЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРУВЧИ ДАСТУРИЛАМАЛ ҲУЖЖАТ

Бандлик ва тадбиркорлик — олдимизда турган энг муҳим йўналишлардан бири. 100 мингдан ортиқ йигит-қизлар ўртасида сўровнома ўтказилганда уларнинг 25 фоиздан кўпроги ўз бизнесини бошламоқчи эканини билдирган. Ҳар йили меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларга иш ўрни яратиш — стратегик вазифа. Бироқ буни фақат битта ташкилот, дейлик, Ёшлар ишлари агентлиги зиммасига юклаб бўлмайди. Шу боис давлатимиз раҳбари ҳар бир вазирилик ва идорани шу мақсадга йўналтириш ҳамда кун тартибига олиб чиқишни белгилаб берди.



Стратегияда ҳар йили 600 минг нафар ёшни иш билан таъминлаш кўзда тутилган. Бунинг учун бир нечта механизм бир вақтнинг ўзига ишга туширилади. Тадбиркорлик эса доимийдек марказий ўринни эгаллайди. «Янги авлод тадбиркорлари» дастури орқали 20 минг ёшни Ҳарвард, Стенфорд, МИТ ва Лондон бизнес мактаби каби муассасалар билан ҳамкорликда ўқитиш режалаштирилган. Мингта бизнес лойиҳаси саралаб олинди ва уларга уш йилгача мuddатга базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 бараваригача ссуда ажратилади. Ёш тадбиркорлар учун муҳандислик тармоқларига улаштириш ҳақиқатларининг бир қисми қоплаб берилди.

Яқинда Америка Қўшма Штатларида сафаримиз давомида олиб борилган музокараларда Ҳарвард бизнес мактаби, Ел, Корнелл, Уортон, Стенфорд университетлари, Массачусетс технология институтини, етакчи марказлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. «Янги авлод тадбиркорлари» дастури орқали ёш асосчиларни шу экотизимларга олиб кириш, уларни глобал бозор талаблари асосида тайёрлаш ва амалий кўникмалар билан мустаҳкамлаш кўзда тутилмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳати, олис ва чекка ҳудудларда ўқув марказларини ташкил этишга 300 миллион сўмгача ссуда ажратилади. Мазкур марказлар учун ижтимоий солиқ ҳамда ўқитувчилар даромад солиғи 1 фоиз қилиб белгиланади. Электрон платформалар орқали бандликни мониторинг қилиш тизими ҳам жорий этилиб, ёшларнинг қаерда ишлаганини, қайси йўналишда фаол эканини аниқлаш имконияти пайдо бўлади.

Глобал рақобат йўли: билим, тил ва тажриба

Оқирғи йилларда Президентимиз ёшларга замонавий, дунё меҳнат бозорига талабгир касбларни

уй-жой, доимий даромад, барқарор муҳит керак. Агар шулар қондирилмаса, бошқа йўналишларда эришилган натижалар мустаҳкам бўлмайди. Чунки ҳар бир оила жамиятнинг бир таянчи, уни бошдан бош баъдан ҳар йили камида 10 мингта ёш оила ипотека орқали қўллаб-қувватланади. Кредитнинг Марказий банк ставкасидан юқори қисми қоплаб берилиши орқали молиявий юк камайтирилади.

Бандлик ва тадбиркорлик — олдимизда турган энг муҳим йўналишлардан бири. 100 мингдан ортиқ йигит-қизлар ўртасида сўровнома ўтказилганда уларнинг 25 фоиздан кўпроги ўз бизнесини бошламоқчи эканини билдирган. Ҳар йили меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларга иш ўрни яратиш — стратегик вазифа.

Тизим фаолликни рағбатлантиради

Яна бир муҳим йўналиш — кўнгиллилар, яъни волонтерлик ҳаракати. Стратегияда ижтимоий фаоллик масаласи аниқ кўрсаткичлар билан берилган. Ҳозир рўйхатдан ўтган волонтерларимиз сони



борлигини кўрдик. Ўзбекистон ҳақиқий етакчи мутахассисларни етиштириб бериш салоҳиятига эга. Биз эса шунга йўналиш беришимиз ва қўллаб-қувватлашимиз зарур деб ўйлайман.

100 минг бўлса, шу рақамни 900 мингга олиб чиқмоқчимиз. Бу қисқа муддатли ақциялар эмас, барқарор иштирок орқали тўлдирилади. Волонтерлик жамғармаси орқали 100 миллион сўмгача грантлар ажратилиши кўзда тутилган.

шакллантириш учун «Ёшлар кўчалари» ташкил этилиши режалаштирилган. Бу жойларда китоб ва «Book safe»лар фаолияти йўлга қўйилади. Ёшларнинг вақтини қандай ўтказиш масаласи шу ерда ечим топади. Муайян ҳудудларда минимал инфратузилма стандартлари жорий этилади ва «ёшлар туман-шаҳарлари» таллаб олинади.

Шунингдек, ижодий йўналишда ҳам алоҳида рағбатлар тизими яратилапти. Илғор ижодкорлар

учун Президент мукофоти жорий этилади. Яъни ёшларнинг фаоллиги фақат ижтимоий ёки иқтисодий йўналиш билан чеклаб қўйилмайди, маданий қатламга рағбат, аҳолининг маънавий эҳтиёжини қондириш йўлидаги ташаббуслар ҳам қўлайтирилади.

Республика миқёсида «Ўзбекистон ёшлари севади!» лойиҳаси, «Хаёт фест», «Талаба фест», «Talaba Expo — 2026» каби тадбирлар ўтказилади. Робототехника ассоциациясининг фаолияти қўллаб-қувватланади. Бу ерда асосий эътибор сони қўлайтиришга эмас, муҳитни шакллантиришга қаратилган.

Соғлом авлод — барқарор келажак

Рақамли дунёнинг ривожланиши, технологиялар инқилоби, жамиятда янги авлоднинг шаклланиши жараёнида ёшларнинг ментал, психологик саломатлиги масаласи жуда долзарб. Сўнгги йилларда мазкур йўналишда йиғилиб қолган муаммоларни кечиктирмасдан ҳал қилиш зарурати пайдо бўлди. Стратегияда руҳий ҳавф гуруҳига кирувчи ёшлар улушини 40 фоизга камайтириш вазифаси қўйилган. Шу билан бирга, туну кун ишлайдиган психологик алоқа марказини ташкил этиш режалаштирилган. Психологик хизматларни қўлайтириш масаласи таълим ва ижтимоий муҳит билан боғланади. Уқиш, иш, оилавий шароит ёшларнинг руҳий ҳолатига бевосита таъсир қилади.

Яна бир муҳим йўналиш жисмоний фаолликни қўлайтиришдан

иборат. Спорт билан шуғулланувчи ёшлар улушини 25 фоизга ошириш кўзда тутилган. Бу кўрсаткич инфратузилма, шароит ва қизиқиш билан боғлиқ.

Стратегияда ёшлар билан мулоқот масаласи аниқ механизмлар орқали йўлга қўйилади. Бундай мулоқотлар бизда аллақачон бор эди. Эндиги вазифа — уни янги босқичга кўтаришдан иборат. Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти томонидан мунтазам ижтимоий сўровлар ўтказилиб, навқирон авлод эҳтиёжи, қўйилма ва реал муаммолар аниқланади. Шу маълумотлар асосида Миллий ёшлар индекси шакллантирилади.

Мурожаатлар билан ишлаш ҳам устувор йўналиш сифатида белгиланган. Ёшларнинг мурожаатлари фақат қабул қилинмайди, балки таҳлил этилади ва қарорлар қабул қилиш жараёнига уланади. Ҳар пайшанба ёшлар билан мулоқотлар ўтказилиши белгиланган.

Рақамли платформалар орқали ҳам мулоқотни қўлайтириш кўзда тутилган бўлиб, бандлик, таълим, фаолият йўналишлари бўйича маълумотлар йиғилади ва аниқланади. Бу ерда муҳим жиҳат шундаки, мулоқот доимий жараён сифатида шаклланиб, қарорларни реал ҳолатга таянган ҳолда қабул қилиш имкони яратилади.

Стратегияда 100 минг ёшнинг глобал халқаро дастурларда иштирокини таъминлаш вазифаси қўйилган. Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳам кенгайтирилади.

2026-2027 йилларга мўлжалланган 7 та йўналиш ва 56 та лойиҳа стратегиянинг қанчалик аниқ босқичга ўтганини кўрсатади. Умумий мақсадлар алоҳида вазифаларга ажратилган, муддат ва натижа мезонлари билан мустаҳкамланган. Таълим, бандлик, тадбиркорлик ва ижтимоий соҳа бир вақтнинг ўзига ҳаракатга келади, уларнинг уйғунлиги натижанинг сифатини белгилайди. Ҳар бир йўналиш бўйича масъуллар белгиланган, баҳолаш аниқ вазифалар кесимида олиб борилади.

«Янги Ўзбекистон ёшлари — 2030» стратегиясини эълон қилишда давлатимиз раҳбари бир муҳим омилга тўхталиб ўтди. Мазкур ҳужжат амалиётда ишлага учун биз ёшлар билан фаол мулоқотни давом эттиришимиз зарур, деди. Шундангина у ёшларимизнинг озуқа-маддасизлиги рўёбга чиқарувчи дастуриламал ҳужжатга айланади.

Алишер САБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги директори, сенатор.

Таклиф

МЎМАЙ ДАРОМАДМИ ЁКИ МАЪНАВИЙ БОЙЛИК?

Китоб — бебаҳо бойлик, таъбир жоиз бўлса, дунёнинг саккизинчи мўъжизаси. Башариятнинг буюк кашфиёти ҳисобланган унинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Чунки китоб ўқиган инсон маънавияти, теран фикри, энг муҳими, ҳалол ва пок инсон бўлиб камол топади.



Кун сайин ривожланиб бораётган юртимизда китобхонлик маданияти тарғиботи одамлар орасида, айниқса, ёшлар ўртасида бир қадар оқсаётгандек, назаримда. Тўғри, Ёшлар ишлари агентлиги томонидан Давлат бюджетни ҳисобидан «Мутулаа» платформаси ташкил қилиниб, ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг янги намуналари электрон шаклда бир жойда жамланганини эътироф этиш жоиз. Бу платформа китобхон ёшлар сафини мингларча қўлайтиргани ҳам рост. Бироқ шунга етарлими, хотиржамлик учун кафолат бўла оладими, деган саволлар ҳам йўқ эмас.

Президентимизнинг 2026 йил 15 январдаги «Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва аҳоли ўртасида китоб ўқишга қизиқишни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори барча китобхон юртдошларимизни қувонтирди. Аммо...

Ҳозирги Нурафшон шаҳрининг Тўйгепа маҳалласида жойлашган Урта Чирчиқ тумани марказлашган кутубхоналар тизими идораси кутубхона тугатилган, узоқ йиллар дорихона оմборхонаси вазифасини ўтади. Эндиликда эса қайси бир тадбиркор бу собиқ зиё маскани ўрнида эшик ва дераза ромини тайёрлайдиган фабрикага асос солаётган эмиси...

Кўпчилик яхши эсласа керак, атоқли олим ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Азиз Каюмов вафотидан атиги бир ҳафта илгари ўша вақтдаги Тошкент шаҳри ҳокимиға очиқ хат ёзиб, уни матбуотда эълон қилганди. Унда Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейининг бир қисми хусусий тадбиркорға бериб юборилгани, бинонинг айнан шу қисмида тарихий деворий суратлар ва экспонатлар сақланиши, бу иш мўмай даромад келтирса-да, миллий маънавиятга жиддий зарар етказиши ҳақида ёзилган эди. Ўз ишидаги камчиликни уққан ҳоким Адабиёт музейининг биносини тўлиқ маданият муассасаси ихтиёрига қайтарганди.

Бугун орамизда жонқуяр олим йўқ, аммо Адабиёт музейи тўлиқ фаолият кўрсатмоқда. Шу маънода айтмоқчимизки, Нурафшон шаҳрининг Тўйгепа маҳалласида жойлашган ва бир неча ўн йиллар туман марказий кутубхонаси вазифасини бажарган бино янги ишлаб чиқариш объектиға эмас, яна маданият даргоҳиға айланади! Яъни билиш қайта таъмирланиб, унинг мутулаа хоналари янги жиҳозлар билан таъминланади, кутубхона биносининг ўзи эса маданий мерос объектисига сифатида эътироф этилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Кўҳна кутубхона жозибаси қўллаб ёшларни ўзига жалб қилиб, уларни китоб мутуласига ундашиға ишонамиз.

Отабек ИСРОИЛОВ («Халқ сўзи»).

Шифокорларнинг энг яқин кўмакчиси

Пойтахтимизда 12 май — Халқаро ҳамширалар куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда соҳа фидойилари табрикланиб, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тизимда олиб борилаётган ислохотларга урғу қаратилди.

Тиббиёт



Таъкидланганидек, бугунги ўзбек ҳамшираси нафақат беморларни парварши қилувчи, балки юқори технологик амалиётлар, жумладан, буйрак ва жигар кўчириб ўтказиш каби мураккаб операцияларда шифокорларнинг энг яқин кўмакчисиға айланади.

Айниқса, мамлакатимизнинг 15 та туман ва шаҳрида ҳамда Самарқанд вилоятида амалиётга татбиқ этилаётган соғлиқни сақлаш тизимининг янги модели ўрта тиббиёт ходимлари учун янги даврни бошлаб берди. Мазкур жараёнда соҳа ходимларининг маоши ва устамалари сезиларли даражада оширилиб, улар-

га ўз салоҳиятини юзага чиқариши учун кенг имкониятлар яратилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг тиббиёт муассасаларида 400 мингга яқин ўрта тиббиёт ходимлари ва қўйиб 7 минг нафар олий маълумотли ҳамширалар фаолият кўрсатмоқда. Соҳани янада халқлик тизимга айлантириш ва ҳамшираларнинг жамиятдаги ўрнини юксалтириш мақсадида қатор янги лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, жорий йилдан бошлаб соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш мақсадида илк бор «Соғлиқни сақлаш тизими биланчи бўғини бўйича йилнинг энг яхши IT-оператор ҳамшираси» кўрик-танловининг йўлга қўйилгани ҳам соҳадаги замонавий ёндашувлардан биридир.

Тадбир доирасида аънавий «Ҳамшира — 2026», «Патронаж доя — аёл саломатлиги таянчи», «Йилнинг энг яхши ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходими», «Менинг онам ҳамшира» каби кўрик-танловлар голиблари тантанали равишда тақдирланди.

Голибларга ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совға ҳамда дипломлар топширилди.

Дилёра ЮСУПАЛИЕВА, ЎЗДЖУ талабаси.

ТАРИХИЙ УЧРАШУВ МАНЗИЛИ

Сурхондарёлик археолог олимлар томонидан олиб борилган изланишлар натижасида буюк сарқарда Амир Темурнинг улуг уламолардан бири Саййид Барақадан олий ҳокимият рамзи саналган табл, яъни катта ноғора ҳамда ялов, байроқни қабул қилиб олган тарихий жой аниқланди. Ушбу топилма нафақат бир воқеанинг географик манзиллини белгилаб беради, балки темурийлар даври сиёсий рамзлари ва маросимларини янада чуқурроқ англаш имконини ҳам яратади.

Тадқиқ

Академик Бўрибой Аҳмедов қайд этганидек, 1370 йилнинг баҳоринда Амир Темур ўз рақиби Амир Хусайнға қарши Балх томон юриш бошлади. Бир неча кундан сўнг қўшин Термиз атрофларига етиб келади. Ана шу пайтда Термиздан уч фарсах, тахминан 18 — 21 километр масофада жойлашган Биё қишлоғида Андхуд саййидзодаларидан бўлган Саййид Барақа Амир Темурға пешвова чиқади. У Сохиққиронға табл ва яловни топширади. Исломиий



анъаналарда ноғора ва байроқ ҳукмронлик, тож ва тахт рамзи сифатида қабул қилинган боис бу маросим Амир Темурнинг яқин орада давлат бошлиғиға айланганини аниқлатади. Манбалар таҳлили бу ҳулосани янада мустаҳкамламоқда, — дейди тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Анавар Божиев. — Муинид-

айнан қаерда бўлгани узоқ йиллар давомида олимлар ўртасида баҳс мавзуси бўлиб келган эди. Тарих фанлари доктори, профессор Шопўлат Сайдуллаев раҳбарлигидаги экспедиция изланишлари бу масалаға ойдинлик киритди. Тадқиқотлар натижасида Сурхондарё вилоятининг Ангор тумани ҳудудида

дин Натарзийнинг XV аср бошларида ёзилган «Мунтахаб ат-таворихи Муиний» асарида мазкур воқеа баён этилган. Ундан аввал ёзилган Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»сида учрашув Биё қишлоғида бўлгани айтилса-да, аниқ манзил кўрсатилмаган. Кейинчалик Шарофиддин Али Яздий ўзининг «Зафарнома» асарида бу жой Термиздан уч фарсах масофада эканини таъкидлайди. Тадқиқотларда «Темур тузуқлари»да келтирилган жангоҳ танлаш мезонларига ҳам мурожаат қилдик. Унга кўра, жанг майдони сувға яқин, атрофида баландлик мавжуд, кўш тик тушмайдиган ва душманға нисбатан устун нуқтада жойлашган бўлиши керак. Ангор туманидаги ҳозирги Қорабғ маҳалласи ҳудудида жойлашган Бағдод вали қабристони атрофидаги тепалик айнан шу талабларға жавоб бериши билан

Термиздан уч фарсах масофада жойлашгани ҳам манбалардаги маълумотлар билан уйғунлиқ касб этади. Худуднинг географик хусусиятлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ёдгорликнинг жанубий қисми Амударё билан чегарадош бўлиб, дарёгача масофа тахминан 5-6 километрни ташкил этади. Шарқий томон эса кенг дала худудларига туташиб кетган. Атрофдан топилган сопол буюмлар синиқларининг дастлабки қиёсий таҳлили уларнинг темурийлар давриға мансублигини кўрсатмоқда. Мазкур илмий изланиш тарихий манбаларда айтилган воқеаларнинг аниқ географиясини белгилаш билан бирга, Амир Темур давлатчилиги шаклланишининг муҳим босқичларини янада ёрқинроқ тасаввур қилиш имконини беради. Бу эса юртимиз тарихини чуқурроқ ўрганиш ва уни келажак авлодларға етказишда муҳим аҳамиятга эга.

Фарҳод ЭСОНОВ («Халқ сўзи»).

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси олий маълумот билмаган, бироқ мутахассислиги бўйича камида 5 йиллик иш стажига эга хотин-қизларға давлат ОТМға кириш учун тавсиянома беришни бошлади.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 23 209 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ТАХРИРЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛЪМЛАР ТАҚРИБ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИҒА ҚАЙТАРМАЙДИ. Газетанинг таърифи берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таърифи компьютер марказида термиз ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07. МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов. Мусаҳҳих — С. Исмолов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.15 Топшириди — 00.50 1 2 3 4 5 6